



ҲАҚОРАТ ҚИЛИШНИНГ ЛАТЕНТЛИГИ НАТИЖАСИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ЖИНОЙИ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Ражабов Мақсуджон Исомиддин ўғли

Ўзбекистон Республикаси

ИИБ Академияси 3-ўқув курси курсанти

Аннотация. *Мақолада ҳақорат қилиш ҳуқуқбузарлигининг тушунчаси, ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиниши, содир этилган ҳатти ҳаракат учун белгиланган жавобгарлик масалалари ҳамда шу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқий онгги ва тафаккурини оширишга оид фикрлар келтирилган.*

Калит сўзлар. *Ҳақорат, қонунчилик, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, инсон шаъни ва қадр, одоб-ахлоқ нормалари.*

Бугун Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари юқори даражада таъминланган ҳуқуқий демократик давлат сифатида ўзини намоён этар экан, айти шу жараён Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрель куни Умумхалқ референдумида овоз бериш йўли билан янги ўзгартириш ва қўшимчалар асосидаги янги таҳрирдаги Конституциянинг 2-бўлим, 7-10-бобларида ўз аксини топган конституциявий нормаларни қайд этиб ўтиш лозим. Биргина, 54-моддада [1] белгиланган, Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир. Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши кўрсатиб ўтилган норманинг ўзиёқ, Ўзбекистонда шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг устивор вазифа эканлигини кўрсатиб турибди.

Маълумки ҳар бир мустақил демократик давлатнинг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр қимматини қонун йўли билан кафолатлаш ва ҳимоя қилишдан иборат. Ушбу жараён асосий қонунимизда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Шунга мувофиқ шахснинг шаъни ва қадр қимматига бошқа шахслар тажовуз қилган тақдирда, бу ҳаракатлар “ҳақорат қилиш” деб баҳоланади ва уни содир этган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 40-моддасида ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилган. Ушбу ҳатти ҳаракатлар такроран содир этилганда эса Жиноят Кодексининг 140-моддасига биноан жавобгарликни келтириб чиқаради. Унга кўра, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий



жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши, агарда ушбу ҳатти ҳаракатлар нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали амалга оширилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгилаб қўйилган. Ушбу модданинг учинчи қисмида:

а) жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда;

б) хавfli рецидивист томонидан ёки туҳмат қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан қилинган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Давлат шу йўл билан фуқароларнинг шаъни ва қадр қимматини бошқа шахсларнинг тажовузларидан қўриқлайди.

Амалиётда МЖТКнинг ҳамда ЖКнинг “ҳақорат қилиш” деб номланган моддаси бўйича фуқароларнинг камдан кам ҳолларда ариза билан мурожаат қилишига эътибор қаратадиган бўлса, бу жараёни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин :

1) жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгги етарли даражада шаклланмаганлиги;

2) айрим фуқароларнинг қонунда ҳақорат қилганлик учун жавобгарлик борлигини билмаслиги;

3) ушбу ҳолатлар юзасидан ички ишлар органларига ариза бериш истагида бўлган шахсларга, бузилган ҳуқуқларини тиклашга кўмаклашиш ўрнига айрим ҳолларда жабрланган шахсларга нисбатан ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши;

4) жабрланувчиларнинг ички ишлар органларига ариза билан мурожаат қилмаслиги оқибатида ҳақорат қилиш ҳуқуқбузарлигининг латент қолиши;

5) кўпгина ҳолларда ҳақорат қилиш ўзаро яқин танишлар ёки ўзаро алоқадор шахслар (қариндошлари, қўшниси, яқинлари) томонидан содир этилиши;

6) жабрланувчиларнинг ҳақорат жараёнига кундалик турмушда учраб турадиган одатий ҳол сифатида муносабатда бўлиши;

7) ваколатли органларнинг фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ноқонуний ҳал этишда сансоларликка йўл қўйиши;



Тергов амалиётини ўрганиш натижаларига кўра, виқтимлик ҳолатидаги жиноятларнинг аксарияти ҳақорат қилиши хатти-ҳаракати натижасида содир этилиши маълум бўлади. Жумладан, ҳақорат қилиш натижасида қуйидаги жиноятлар келиб чиқиши мумкин:

- қасддан баданга турли даражада тан жораҳати етказилиши билан боғлиқ жиноятлар;
- кучли рухий ҳаяжонланиш оқибатида қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ жиноятлар;
- қасддан одам ўлдириш ва бошқалар.

Жамиятда жиноят қурбони бўлишга кўп ҳолларда жабрланувчиларнинг ўзлари сабабчи бўладилар. Тергов ҳужжатларини кузатадиган бўлсак, жамиятда турли характердаги инсонлар яшайди. Оддий ҳақоратлаш, шаънига тегадиган гаплар билан хазиллашиб сўқиниш натижасида ҳам ҳақоратдан жабрланган шахс ҳақорат қилган шахснинг қилмишига жавоб қайтариш мақсадида, зўрлик ишлатиши ёки бирор-бир нарса билан уриб унинг баданига енгил, ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиши, ҳатто ўлдириб қўйиши каби нохуш оқибатлар ҳам кузатилади. Бундан кўриниб турадики, жиноят қурбонига айланган шахснинг ўзи виқтимологик ҳолатида бевосита янада оғирроқ жиноят содир этади. Ҳозирги кунда нафақат фуқаролар балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, Ички ишлар органлари ходимлари ҳам баъзида ҳақорат қилиш ҳуқуқбузарлигининг жабрланувчисига айланадилар. Аниқроқ айтганда, бу ҳолат уларнинг ўз хизмат ёки фуқаролик бурчларини бажариш муносабати билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Бу эса шубҳасиз жамоада, маҳаллада, фуқаролар олдида уларнинг обрў-эътиборини тушириши мумкин.

Бизнинг назаримизда, ҳақорат қилиш ҳамда унинг натижасида келиб чиқадиган бошқа жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш ижобий натижа бериши мумкин:

биринчидан, маҳаллада, жамоада ҳақорат қилганлик учун маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик борлигини тушунтириш ва фуқаролар онгига сингдириш;

иккинчидан, ҳақорат қилинган жабрланувчилар айбдор шахсларга ўзлари ғайриқонуний чора кўришга ҳаракат қилмасдан шу ҳудуддаги профилактика инспекторларига ариза билан мурожаат қилиш орқали қонуний чора кўрилишини тушунтириш;

учинчидан, ички ишлар органи ходими ҳақорат қилганлиги учун мурожаат қилган жабрланувчининг аризасини ўз вақтида кўриб чиқиб, берилган ваколатлари доирасида қонуний чора кўриши;

тўртинчидан, профилактика инспекторлари жамоада, маҳаллада хулқ-атвори оғир ва ҳақорат қилиш хатти-ҳаракатини содир қилишга мойил шахсларга нисбатан маҳалла фаоллари орқали ижобий таъсир ўтказиш;



бешинчидан, таълим муассасаларида инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати билан боғлиқ мавзуларда конференция, давра суҳбатлари, тарғибот ва ташвиқот ишларини доимий равишда ташкиллаштириш ва ўтказиш;

олтинчидан, инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мавзуларда фундаментал илмий тадқиқот ишлари олиб бориш.

Юқорида кўрсатилган таклифлар амалга оширилса, ҳақорат қилиш ҳатти-ҳаракати оқибатида келиб чиқадиган турли хил нохуш оқибатларнинг олди олинган бўлар эди .

Хулоса қилиб айтганда, ҳақорат қилиш ҳатти-ҳаракатини содир этишга мойил шахсларни тарбиялаш ва улар ўзларининг конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини эркин амалга оширишларида бошқа шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш кўникмаларини шакллантиришга ўргатиш, албатта фойдадан ҳоли эмас. Шунингдек фуқароларнинг бир бирларига меҳр-оқибатли бўлишлари, ота-боболаримиздан қолган маънавий мерос – катталарга ҳурмат кичикларга иззатда бўлиш каби эзгу ғояларга ўргатиш бу каби ҳуқуқбузарликларнинг камайишига олиб келиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023 й. <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Мирсалихова, Г. А. (2023). Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уни бартараф этиш йўналишлари. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(22), 116-123.
3. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.
4. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза - ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг асосий омили сифатида //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.
5. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.
6. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.



7. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

8. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

9. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.

10. Таштемиров А. А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг аҳамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.

11. Таштемиров А. КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ШАКЛЛАНИШ ДАВРЛАРИ //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 133-139.

12. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда айрим процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. –2022. –Т. 2. –No. 12 Special Issue. –С. 141-146.17.

13. Мирсалихова Г. А. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Илмиймақола//Eurasian journal of law, finance and applied sciences <https://doi.org/10.5281/zenodo>. –Т. 7262974.18.

14. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда эҳтиёт чораларини қўллашнинг аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. –2022. –Т. 2. –No. 13. –С. 160-165.19. 15. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши //So‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. –2023. –Т. 6. –No. 1. –С. 5-15